



R 496

ГУЛІСТОН

12
1982

**КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми,
СССР Министрлар Советининг Коммунистик партияга,
совет халқига**

МУРОЖААТИ

Азиз ўртоқлар!

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси, бутун совет халқи оғир жудоликка учрадилар. Улуғ Ленин ишининг содик давомчиси, оташин ватанпарвар, атоқлы революционер ва тинчлик учун, коммунизм учун курашчи, замонамизнинг жуда катта сиёсат ва давлат арбоби Леонид Ильич Брежнев вафот этди.

Л. И. Брежневнинг бутун кўп қиррали фаолияти, шахсий тақдиди Советлар мамлакати тарихидаги энг муҳим босқичлардан ажralмасдири. Коллективлаштириш ва индустрлаш, Улуғ Ватан уруши ва урушдан кейинги тикланиш, қўриқин ўзлаштириш ва космосни тадқиқ қилишни ташкил этиш — мана шулар ишчилар синфиининг шонлиғи фарзанди Леонид Ильич Брежнев таржима ҳолининг ҳам босқичларидири. Партия Леонид Ильични қаergа юбормасин, у ҳамма жойда ўзига хос гайрат ва қатъият билан, дадиллик ва принципиаллик билан, партиянинг улуғ идеаллари учун садоқат билан курашди.

Совет кишилари, бутун дунёдаги дўстларимиз партия ва давлат турмушининг ленинча нормалари изчилик билан қарор топтирилганлигини, социалистик демократия такомиллаштирилганлигини ҳақли равишда ўртоқ Брежневнинг номи билан, унинг КПСС Марказий Комитети Бозек секретари ва СССР Олий Совети Президиумининг Раиси лавозимларидаги тинимсиз фаолияти билан боғлиқ деб билмоқдалар. У партия ленинчи штаби — унинг Марказий Комитети, Марказий Комитетнинг Сиёсий бюроси фаолиятига донолини билан бошлилик қилиб, аҳиллик билан колектив бўлиб ишлашини моҳирона ташкил этиш наумунасини кўрсатди. У партиянинг ривожланган социализм босқичидаги иқтисодий ва социалистик стратегиясини ишлаб чиқиша ҳамда амалга оширишда ҳалқ фаровонлигини юксалтириш йўлини белгилаш ва рўёбга чиқаришда, мамлакатимизнинг иқтисодий ва мудофаа қудратини янада мустаҳкамлашда жуда катта роль ўйнади.

Партиянинг ҳалқаро майдондаги сиёсатини — тинчлик ва тинч-тотув яшаш, кескинликни юмшатиш ва қуролсизланиш сиёсатини, империализмнинг агрессив кирдикорларига кескин зарба бериш, яドривий фалокатнинг оддини олиши сиёсатини ишлаб чиқишиб ўтказишида Леонид Ильич Брежневнинг хизматлари бебаҳодир. У жаҳон социалистик ҳамдўстлигини жиспластиришга, ҳалқаро коммунистик ҳарататни ривожлантиришга буюк ҳисса қўшиди.

Леонид Ильич ҳаётининг сўнгги дақиқаларигача унинг фикри-зикри ва ишлари батамон меҳнати аҳлиниң манфаатларига бўйсундирилган эди. У меҳнаткашлар оммаси билан ҳамиша жуда яқиндан чамбарчас бўлиб келди. У барча қитъалардаги коммунистларнинг, юз миллионлаб кишиларнинг онгда ленинча foявийлик, изчил интернационализм, революцион оптимизм ва инсонпарварликнинг тимсоли бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади.

Бошимизга оғир жудолик тушди, мусибатимиз чексиз. Шу қайгули дамларда Совет Иттифоқи коммунистлари, барча меҳнаткашлари КПССнинг ленинчи Марказий Комитети, Леонид Ильич Брежневнинг самарали таъсирида вужудга келган раҳбар ўзаги теварагида тағин ҳам маҳкамрон жисплашмоқдалар. Ҳалқ партияига, унинг қудратли коллектив ақл-заковатига ва иродасига ишонади, унинг ички ва ташки сиёсатини сидқидилдан қўллаб-куватлайди. Ленин байроғи, Октябрь байроғи ишончли қўлларда эканлигини совет кишилари яхши биладилар. Шу байроқ остида жаҳоншумул тарихий галабаларга ёришилди.

Партия ва ҳалқ КПССнинг XXIII—XXVI съездлари ишлаб чиқсан коммунистик бунёдкорликнинг улуғвор программаси билан қуролланган. Бу программа муттасил амалга оширилмоқда. Партия ишлаб чиқариши интенсивлаш-

унинг самарадорлигини ва иш сифатини ошириш, СССРнинг Озиқ-овқат программасини бажариш асосида ҳалқ фаровонлигини юксалтириш учун бундан бўён ҳам ҳамма ишни қилаверади. Партия ишчилар синфи, колхозчи-дехонлар ва ҳалқ зиёллашарининг иттифоқини мустаҳкамлаш тўғрисида, совет жамиятининг социал-сиёсий ва foявий бирлигини, СССР ҳалқларининг қардошларча дўстлигини мустаҳкамлаш ҳақида, меҳнаткашларни марксизм-ленинзим ва пролетар, социалистик интернационализми руҳида идеологик жиҳатдан чиниқтириш тўғрисида бундан бўён ҳам ҳар томонлама фамхўрлик қилаверади.

Совет ҳалқининг тинчликка бўлган иродаси ўзгармасдири. Ҳалқларни ўз моддий ва маънавий бойликларини беҳуда сарфлашга дучор қилиувчи урушга тайёрларлик эмас, балки тинчники мустаҳкамлаш — эртанги кун йўлини ёритувчи йўлчи юлдуздир. 80-йилларнинг Тинчлик программаси, партия билан Совет давлатининг бутун ташки сиёсий фаолияти шу олижаноб фориши руҳи билан сугорилган.

Биз ҳалқаро вазиятнинг нақадар мурракаблигини, империализм агрессив доиралари тинч-тотув яшашни қўпориш, ҳалқларни адоват ва ҳарбий муҳолифлик йўлига тойдир ибориши учун қилаётган урининшларини кўриб турибимиз. Аммо бу нарса бизнинг тинчникини қаттиқ туриб ҳимоя қилишга бўлган азму қароримизни сира бўшаштира олмайди. Ҳарбий авантюраларнинг ишқибозлари Советлар мамлакатини гафлатда қолдирмаслиги учун, потенциал агрессив қақшаткич жавоб заррасига учраши мұқаррарлигини билиб олиши учун зарур бўлган ҳамма ишни қиласиз.

Совет Иттифоқи ўз қудратига таяниб, фоят сергаклик ва матонат қўрсатиб, ўз ташки сиёсатининг тинчликсеварлик принципларига ва мақсадларига муттасил содик бўлиб қолиб, инсониятни ядро урушни хавфидан омон асрар учун, кескинликни юмшатиш учун, қуролсизланиш учун сабот билан курашаверади.

Бу курашда қардош социализм мамлакатлари, миллий ва социал-оазодлик учун курашчилар, барча қитъалардаги тинчликсевар мамлакатлар, ер юзидағи жамики соғдил кишилар биз билан биргадирлар. Тинчлик сиёсати инсониятнинг тубҳаётни манфаатларини акс эттиради ва бинобарин шу сиёсатнинг келажаги порлоқдир.

Совет ҳалқи партияни ўзининг синарган коллектив йўлбошчиси, доно раҳбари ва ташкилотчиси, деб билади. Ишчилар синfiga, меҳнаткаш ҳалқа хизмат қилиш — партия бутун фаолиятининг олий мақсади ва моҳиятидир. Партия билан ҳалқнинг метиндең бирлиги совет жамияти енгилмас кучининг манбай бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади. КПСС меҳнаткашларнинг ишончини мүқаддас билди кадрлайди, ўзининг омма билан алоқаларини доимо мустаҳкамлади. Партияни мустаҳкамлаштиришга ҳалқ амалда ишонч ҳосил қилган. Леонид Ильич Брежnev раҳбарлигига ишлаб чиқилган КПССнинг ички ва ташки сиёсати бундан бўён ҳам изчилик ва сабитқадамлик билан ўтказилаверади.

Л. И. Брежневнинг ҳаётни ва фаолияти доимо Коммунистик партияига ва совет ҳалқига садоқат билан хизмат қилишининг илҳомбахш наумунаси бўлиб қолади.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети комил ишончи билдириб айтадиларки, коммунистлар, барча совет кишилари юксак онглилик ва уюшқоқлик кўрсатиб, Ленин партияси раҳбарлигига ўзларининг фидокорона ижодий меҳнатлари билан коммунистик қурилиш планларининг бажарилишини, социалистик Ватанимизнинг янада равнақ топишини таъминлайдилар.



R 496
1982/12

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси

Марказий Комитетининг Пленуми тўғрисида ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

1982 йил 12 ноябрда КПСС Марказий Комитетининг навбатдан ташқари Пленуми бўлиб ўтди.

Марказий Комитет Сиёсий бюросининг топширувига биноан Пленумни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари ўртоқ Ю. В. Андропов очди ва нутқ сўздади.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежневнинг вафот этганлиги муносабати билан Марказий Комитет Пленуми аъзолари Леонид Ильич Брежневнинг хотирасини бир дақиқа қайгуру сукут сақлаб ҳурмат билан эсга олдилар.

Марказий Комитет Пленуми Коммунистик партия, совет ҳалқи, бутун тараққий-парвар инсоният оғир жудоликка учраганиларини қайд этди. Коммунистик партиянинг, Совет давлатининг, ҳалқаро коммунистик, ишчи ва миллий-озодлик ҳаракатининг атоқли арбоби, тинчлик учун оташин курашчининг юраги уришдан тұхтади.

Ленинчи Коммунистик партия сафида 50 йилдан кўпроқ вақт бўлган, шундан 18 йил унинг раҳбари лавозимида ишлаган Леонид Ильич Брежнев партия сафларининг

жипслигини, Совет Иттифоқининг сиёсий, социал-иқтисодий ва мудофаа қудратини мустаҳкамлашга жуда катта ҳисса қўши.

Тинчлик ва ҳалқаро хавфсизликни мустаҳкамлашда у бениоя буюк роль ўйнади. Мамлакатимиз турмушидаги буюк зафарлар — индустрялаш ва қишлоқ хўжалигини колективлаштириш, Улуғ Ватан урушида совет ҳалқининг тарихий галабаси, урушдан кейин Ватанимиз ҳалқ хўжалигини қайта тикалаш, космосни тадқиқ этиш, Совет давлатининг экономикиаси, фани ва маданиятини ривожлантишдаги ҳамма мувоффақиятлар Леонид Ильич Брежневнинг номи билан бевосита боғланган бўлиб, унинг номи Совет Иттифоқи Коммунистик партияси, улуғ Ватанимиз тарихига абдий ёзилиб қолди.

Марказий Комитет Пленумининг қатнашчилари марҳумнинг қариндош-уруглари ва ёр-биродарларига чуқур ҳамдардлик изҳор этдилар.

Марказий Комитет Пленумни КПСС Марказий Комитетининг Бош секретарини сайлаш тўғрисидаги масалани кўриб чиқди.

Марказий Комитет Сиёсий бюросининг топширувига биноан КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари ўртоқ К. У. Черненко нутқ сўздади. У ўртоқ

Ю. В. Андроповни КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари лавозимига сайлаши таклиф қилди.

Пленум ўртоқ Юрий Владимирович Андроповни бир овоздан КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари қилиб сайлади.

Сўнгра Пленумда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Ю. В. Андропов нутқ сўздади. У билдирилган юксак ишонч — ўзининг КПСС Марказий Комитети Бош секретари лавозимига сайланганлиги учун Марказий Комитет Пленумига самимий миннатдорчилек изҳор этди.

Ўртоқ Ю. В. Андропов КПСС XXVI съезди қарорларида белгилаб берилган коммунистик куришил программасини мувоффақиятли бажариш учун, ССРнинг иқтисодий ва мудофаа қудратини янада мустаҳкамлаш вазифаларини ҳал этишда давомийликни таъминлаш, совет ҳалқининг фаровонликни ошириш, тинчликни мустаҳкамлаш учун, Л. И. Брежнев даврида ўтказиб келинган бутун ленинча ички ва ташки сиёсатни амалга оширишга ўзимнинг бутун кучим, билимим ва ҳаёттй тажрибамни сарфлайман, деб КПСС Марказий Комитетига, Коммунистик партияга вайда берди.

Шу билан Пленум ўз ишини тамомлади.

Ўртоқ Ю. В. АНДРОПОВ нутқи

Ўртоқлар!

Партияни билан мамлакатимиз, бутун совет ҳалқи оғир жудоликка учради. Совет Иттифоқи Коммунистик партияси билан Совет давлатининг раҳбари, ҳалқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг атоқли арбоби, оташин коммунист, совет ҳалқининг содиқ фарзанди — Леонид Ильич Брежневнинг юраги уришдан тұхтади.

Замонамизнинг энг катта сиёсат арбоби ҳәдән кўз юмди. Ўртоқимиз ва дўстимиз, қалби дарё, саховатли, сезир ва меҳрибон, муруватли ва foят инсонпарвар одам орамиздан кетди. Ишга астойдил садоқати, ўзига ва бошқаларга нисбатан мурносасиз, талабчанилиги, масъулиятли қарорлар қабул бўшида донишмандларча эҳтиёткорлиги, тарихнинг кескин буришиларидаги принципиаллиги ва дадиллиги, одамларга

нисбатан доимо ҳурмат, сезигрлик ва эътибор билан қараши — мана шу ажойиб фазилатлари учун партия билан ҳалқ Леонид Ильични қадрлар ва севар эди.

Леонид Ильич Брежневнинг порлоқ хотирасини бир дақиқа сукут сақлаб ҳурмат билан эса олиши сўрайман.

Леонид Ильич, ўз ҳаёттимнинг ҳар бир куни Совет Иттифоқи Коммунистик партиясини, бутун совет мамлакатини тўлқинлантираётган ишлардан ажралмасди, деб айттар эди. Дарҳақиқат шундай эди.

Мамлакатин индустрялаш ва қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш, Улуғ Ватан уруши ва урушдан кейинги тикланиш, кўриқ ерларнинг ўзлаштирилиши ва космосни тадқиқ этиш — совет ҳалқи меҳнати ва кураши йўлидаги мана шу ҳамма улуғ босқичлар айни вақтда коммунист Леонид

Ильич Брежнев таржимаи ҳолининг ҳам босқичлариди.

Улуғ социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг қудрати ўсиши ва ҳар томонлама ҳамкорлигининг чуқурлашиши, жаҳон коммунистик ҳаракатининг давримизда инсоният олдидаги турган тарихий вазифаларини ҳал этишдаги актив иштироки, ер юзидаги миллий озодлик ва социал тараққиёт барча кучларининг бирдамлиги мустаҳкамланиши Леонид Ильичнинг номи ва ишлари билан чамбарчас боғланган. Леонид Ильич Брежнев миннатдор инсоният хотирасида ҳамиша ҳалқлар тинчлиги ва хавфсизлиги учун, инсоният боши узра пайдо бўлган жаҳон ядро уруши хавфини тутгатиш учун изчил, эҳтиросли ва толмас курашчи бўлиб қолади.

Тинчликни империалистлардан илтимос

қилиб олиб бўлмаслигини биз яхши биламиш. Тинчликни Совет Қуроли Кучларининг енгилмас қудратига таянибигина ҳимоя қилиш мумкин. Леонид Ильич партия давлатнинг раҳбарни сифатида, ССР Мудофа Қенгашининг Раиси сифатида мамлакатнинг мудофа қобилияти ҳозирги замон талаблари даражасида бўлиши учун доимо этибор бериб келди.

Сурункасига ўн саккиз йил Леонид Ильич бошчилки қилиб келган партияни штабига кирувчи қишилар бу ерда, мана шу залда тўпланиши. Коллектив бўлиб аҳоли ишлашини ташкил қилишга, бу штаб тўғри ленинча йўлни очиб боришига Леонид Ильич қанча куч ва қалб қўрини сарфлаганини ҳар биримиз яхши биламиш. Леонид Ильич партиянишнинг ҳозирги ҳаётни ва фаолиятига хос бўлган соғлом маънавий сиёсий муҳитни вужудга келтиришга нақадар бебаҳо ҳисса қўшганини ҳар биримиз яхши биламиш.

Партиянишнинг марксизм-ленинзмни ҳимоя қилиш йўлидаги принципиал кураши, ривожланган социализм назарияси, коммунистик қурилишнинг энг актуал вазифаларини ҳал этиш йўллари ишлаб чиқилганини Леонид Ильчининг номи билан боғланган. Унинг жаҳон коммунистик ҳаракатида-

ги фаолиятига қардош партиялар, чет эллардаги синдош қардошларимиз, социализм учун, капитал зулмига қарши, улуғ коммунистик идеалларнинг тантанаси учун курашдаги ўртоқларимиз ҳақли равишда жуда ўюқри баҳо бердилар.

Леонид Ильич Брежнев фикри-зикри, куч-тыйратлари КПСС XXVI съезди, Марказий Комитетнинг кейинги Пленумларни белгилаб берган иктисодий, социал ва маданий ривожланнишнинг энг катта вазифаларини ҳал этишга қаратилган бир пайтда ҳаётдан кўз юмди. Бу вазифаларни амалга ошириш, партияниш билан Совет давлатнинг Леонид Ильич Брежнев раҳбарлигига ишлаб чиқилган ички ва ташки сиёсат йўлни изчилик билан амалга ошириш — бизнинг энг биринчи бурчимиздир. Шу тариқа биз орамиздан кетган раҳбарнинг порлоқ хотирасини энг яхши тарзда эъзозлаган бўламиз.

Қайғумиз чексиз. Бошимизга тушган мусабат оғир.

Мана шу вазиятда сафларимизни янада маҳкамроқ жиспластириш, партия Марказий Комитети теварагидаги янада маҳкамроқ бирлашиш, ўз лавозимизда, ўз ҳаётимизда совет ҳақлини бахт-саодати учун, тинчликни мустаҳкамлаш учун, коммунизм

тантанаси учун имкони борича кўпроқ ишқилиш — ҳар биримизнинг бурчимиздир, ҳар бир коммунистнинг бурчидир.

Совет ҳақи ўз Коммунистик партиясига астойдил ишонади. Ишонишининг боиси шуки, партия учун совет қишиларининг туб манфаатларидан бошқа манфаатлар бўлган эмас ва бўлмайди ҳам. Бу ишончни оқлаш — коммунистик қурилиш йўлидан олга бориши, социалистик Ватанимизнинг янада равнав топшишига интилиш демакдир.

Ўртоқлар, бизда энг қийин пайтларда ёрдам бериб келган ва ёрдам берадиган, энг мураккаб вазифаларни ҳал этишимизга кўмаклашадиган куч бор. Бу куч — партияниш сафларининг бирлигидир. Бу куч — партияниш коллектив донолиги, унинг колектив раҳбарлигидир, бу куч — партия билан ҳақлини бирлигидир.

Бугун Пленумимиз Леонид Ильич Брежнев хотирасини ҳурмат билан эсга олиш ва у ўз умрини бағишилаган ишнинг давом этишини таъминлаш учун тўпланди.

Пленум Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретарини сайлаш тўғрисидаги масалани ҳал этиши лозим.

Уртоқлардан шу масала хусусидаги фикрларини айтишни сўрайман.

Ўртоқ К. У. ЧЕРНЕНКО нутқи

Азиз ўртоқлар!

Сиёсий бюро Марказий Комитетнинг ушбу навбатдан ташқари Пленуми қатнашчилари ҳузурида нутқ сўзлашни менга топшириди.

Марказий Комитетимизнинг навбатдан ташқари Пленуми ҳақиқатан ҳам фавқулодда характерга эга. Мамлакат билан партия чуқур мотамда. Леонид Ильич Брежнев орамиздан кетди.

Совет ҳақи қарийб йигирма йил мобайнида партия бу давлатга бошчилки қилин, ўзининг бутун кучи ва зўр қобилиятини совет қишиларининг бахт-саодати йўлида, мамлакатимизда коммунистик қурилиш иши йўлида сарфлаган атоқли раҳбаридан жудо бўлди. Инсоннинг тинчлик, озодлик ва социал тараққиёт идеаллари учун чинакам толмас, улуғ курашидан жудо бўлди, деб айти оламиш. Биз, совет коммунистлари, социалистик мамлакатлардаги қардошларимиз, жаҳон коммунистик ҳаракатидаги сафдошларимиз Ленин ишининг истеъодиди давомчисидан, меҳнаткашларининг манфаатларига астойдил садоқат намунаси бўлиб келган инсондан жудо бўлдик.

Мусибатимизнинг бутун аламини ифодалашга тил ожиз. Аммо шу мотам кунларнида ҳаммамиз учун азиз бўлган Леонид Ильчининг ҳаёт сабоқлари ҳаммамизга буюк мадад бўлиб хизмат қиласди.

Леонид Ильич бутун вужуди билан жамият манфаатларини, ҳалқ манфаатларини кўзлаб яаш истеъодига тўла-тўқис эга эди. Успирийлик йилларидан бошлаб то умринг охирги кунингача ҳамиша шундай бўлиб келди.

Эзгу тилакларнинг бир ўзигина пуч гап эканини Леонид Ильич яхши билар эди. Тўғри фикрлар айтиш камлик қиласди, шу фикрларни аниқ ташкилотчилик иши билан мустаҳкамлаш, уларни кенг меҳнаткашлар оммасига тушунтириш ва унинг онгига сингдириши лозим. Леонид Ильич одамларни севар эди, у одамларга ишона билар эди.

Леонид Ильич бениња довюрак инсон эди. Буни у Улуғ Ватан урушининг биринчи кунидан сўнгги кунингача қилган ишлари билан исбот этиди. У бутун ҳаёт йўлидан мардонавор юриб ўтди. Шу билан бирга у ҳар бир ўртоқдаги дадилликни, ҳар қандай синовлар пайтидаги принципиаллик, матонатни юксак, жуда-юксак қадрлар эди.

Леонид Ильич билан ёнма-ён турниш, унинг сўзларини тинглаш, унинг ўтқир ақлидорки, заковати, ҳаётсеварлигини яққол сезиши — у билан биргаликда ишлашга шарард бўлган ҳар биримиз учун бир мактаб эди.

Леонид Ильич Брежнев бизга бебаҳо мерос қолдирмоқда. Бизнинг 18 миллионли партияниш яқиди ва жиспластириш. Совет ҳақи партининг донолигига сидқидилдан ишонади. Қадрларга нисбатан талабчанлик ва ҳурмат, бузилмас интизом ва дадил фойдалари ташаббусларни қўллаб-қувватлаш, бирократизмнинг ҳар қандай қуринишларига муросасизлик ва омма билан алоқани ривожлантириш тўғрисида, совет жамиятининг чинакам демократизми ҳақида доимо замонхўрик қилиш ҳаётимизнинг нормалари бўлиб колди.

Мана шу раҳбарлик услубини ардоқлаб асрараш ва ривожлантириш, Леонид Ильич

бизга ўз сўзи ва иши билан васият қилган ҳамма нарсаларни қадрлаш — унинг хотираси олдиаги бурчимиздир, партия ва мамлакат олдиаги бурчимиздир. Партияниш раҳбар ўзаги, унинг Марказий Комитети, Леонид Ильчининг ҳал қуловчи иштирокида шакланган. Сиёсий бюро айни шундай бўлиши бунинг мустаҳкам гаровидир. Бизнинг Пленумимиз партияниш ҳозирги босқичда КПСС XXIII—XXVI съездлари қарорларида аниқ-равшан ва тўла-тўқис ифодалади. Берилган ленинча йўлдан бундан бўйи ҳам қатъият билан олга бораверишини бутун мамлакат олдида, бутун дунё олдида намойиш этади, деб Сиёсий бюро номидан жуда чуқур ишонч изҳор этаман. Леонид Ильич Брежневнинг жуда катта ҳиссаси билан ишлаб чиқилган ва амалга оширилаётган партиянишнинг ички ва ташки сиёсати комил ишонч, изчилик ва солитадамлик билан ўтказилаверади.

Ҳалқ бахт-саодати ва ер юзида тинчликни сақлаб қолиш бизнинг асосий йўлимиз бўлиб келди, ҳозир ҳам шундай ва шундай қолади.

Бизнинг яхши ўйлаб тузилган муфассал социал-иқтисодий программамиз бор. Экономика тежамили бўлиши керак. Партияниш кўрсатмаси мана шундай. Бу кўрсатма индустрiali ва аграр секторларни техника билан қайта қуроллантиришни, бошқарувни такомиллаштиришни ва, албатта, меҳнатни ташкил этишини яхшилашни, унинг унумдорлигини ўстириши билдиради. Шу негизда давлатимизнинг экономикиаси мутасаси ривожлантирилавсади, ҳалқ фаронвонлиги оширилаверади. Ҳудди шу негизи-



КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари
Юрий Владимирович АНДРОПОВ

да мамлакатнинг мудофаа қобилияти мустаҳкамланаверади.

Бизнинг саксонинчи йилларга мўлжалланган муфассал, конкрет Тинчлик программамиз бор. Бу программа халқнинг орзу умидларига мос келади. Биз ўз олдимизга кескинлини юшатиш, қуролсизланиш, мажароли вазиятларни бартараф этиш, ядро уруши ҳаффини тугатиш вазифаларини қўямиз. Биз, ўзимиз учун, ўз дўстларимиз учун, дунёдаги барча халқлар учун пухта ҳаффизизлик бўлишини истаймиз.

Азиз ўртоқлар!

Леонид Ильчининг вафоти сабабли бошимизга тушган жудоликнинг ўринин тўлдириш жуда қийинлигини ҳаммамиз англаб турибмиз, албатта. Ҳозир партиядаги ишларни колектив равишда олиб бориш иккича, уч ҳисса мухимдир. Барча партия органларида аҳалилик билан биргаликда ишлаш ҳам коммунистик қурилишда, ҳам халқаро майдондаги фаолиятимизда янгидан-янги муваффақиятларни тъминлаиди.

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий

бюроси вужудга келган аҳволни мұхокама қилиб, менга ўртоқ Юрий Владимирович Андроповни КПСС Марказий Комитетининг Баш секретари лавозимиға сийлашни Пленумга таклиф қилинни топшириди. Унинг таржимаи ҳолини айтиб бернишга эътиёж бўлмаса керак, деб ўйлайман. Юрий Владимирович Ленин партияси ишига садоқатли, фидокор коммунист эканлиги, Леонид Ильчининг энг яқин сафдоши эканлиги партияга ва мамлакатга яхши маълум.

Юрий Владимирович ички ва ташқи сиёсат, идеология соҳасида кўп қиррал ишлар билан шуғулланиб келган. У комсомолларнинг етакчиси ҳам, йирик партия ходими ҳам, дипломат ҳам бўлган. У социалистик ҳамдўстликни мустаҳкамлашга, давлати-мизининг ҳаффизизигини тъминлашга кўп меҳнат сарфлаган.

Леонид Ильчин унинг марксча-ленинча эътиқодини, партиявилигини, кенг билим доирасини, зўр ишчанлиги ва инсоний фазилатларини юксак қадрлар эди.

Барча Сиёсий бюро аъзоларининг фикри-

ча, брежневча раҳбарлик услубини, халқ манфаатлари тўғрисидаги брежневча фамхўрликни, кадрларга нисбатан брежневча муносабатни, агрессорларнинг кирдикорларига бутун куч билан қарши туриш, тинчликни эҳтиёт қилиб сақлаш ва мустаҳкамлаш қатъиятини Юрий Владимирович жуда яхши ўзлаштириб олган.

Партиявид камтаришлик, бошқа ўртоқларнинг фикрига ҳурмат билан қараш ва, таъбиър жоиз бўлса, коллектив бўлиб ишлашга иштиёқмандлик Юрий Владимировичга хос хусусиятлардир. Сиёсий бюро нинг яқдил фикри шуки, ўртоқ Андропов Марказий Комитетининг ишончига, партиянинг ишончига лойиқдир.

Азиз ўртоқлар! Биз Леонид Ильчининг порлоқ хотираси олдида бошимизни эгиб, ўз бунёдкорлик ишимишин тинимиз давом эттираверамиз, деб тантанали ваъда берамиз. Леонид Ильич қилишга улгурга олмаган ҳамма ишлар, унинг раҳбарлигига партия белгилаган режалар албатта рўёбга чиқарилади.

ЮРИЙ ВЛАДИМИРОВИЧ АНДРОПОВ

Юрий Владимирович Андропов 1914 йил 15 июнда Ставрополь ўлкасининг Нагутская станциясида темирўлчи оиласида туғилди. Олий маълумотли, 1939 йилдан КПСС аъзоси.

Ун олти яшар комсомоллик чоғида Ю. В. Андропов Шимолий Осетия АССРнинг Моздок шаҳрида иши эди. Сўнгра унинг меҳнатдаги таржимаи ҳоли Волга пароходчилиги кемаларида давом этди, бу ерда у матрос бўлиб ишлади.

1936 йилдан бошлаб Ю. В. Андропов комсомод ишига ўтади.

У Ярославль обlastининг Рибинск шаҳридаги сув транспорти техникуми комсомол ташкилотининг бошқа ишлардан озод этилган секретари қилиб сийланди. Тез орада уни ВЛКСМ Марказий Комитетининг Рибинск шаҳридаги Володарский номли кемасозлик корхонаси комсомол ташкилотчиси лавозимиға кўтарадилар. 1938 йилда Ярославль обlastининг комсомоллари Ю. В. Андроповни ВЛКСМ Ярославль обlastи комитетининг биринчи секретари қилиб сийланадилар. 1940 йилда Ю. В. Андропов Карелия ЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари лавозимиға сийланади.

Улуғ Ватан урушининг дастлабки кунларидан бошлаб Ю. В. Андропов Карелиядаги партизан ҳаракатида актив қатнашади.

1944 йилда Петрозаводск шаҳри фашист босқинчиларидан озод қилингандан кейин Ю. В. Андропов партия ишига ўтади. У Петрозаводск шаҳар партия комитетининг иккичи секретари, 1947 йилда эса Карелия Компартияси Марказий Комитетининг иккичи секретари қилиб сийланади.

1951 йилда Ю. В. Андропов КПСС Марказий Комитетининг қарорига биноан КПСС Марказий Комитетининг аппаратига ўтказилиди ва КПСС Марказий Комитетининг инспектори, сўнгра эса кичик бўлим мининг мудири этиб тайинланади.

1953 йилда партия Ю. В. Андроповни дипломатия ишига юборади. У бир неча йил мобайнида СССРнинг Венгрия Халқ Республикасидаги фавқулодда ва мухтор элчиси бўлди.

1957 йилда Ю. В. Андропов КПСС Марказий Комитетининг бўлим мудири лавозимиға кўтарили.

Партиянинг XXII съездидан ва ундан кейинги съездларида Ю. В. Андропов КПСС Марказий Комитетининг аъзоси қилиб сийланади.

1962 йилда Ю. В. Андропов КПСС Марказий Комитетининг секретари лавозимиға сийланади.

1967 йилнинг майида Ю. В. Андропов ССР Министрлар Совети ҳузуридаги

Давлат ҳаффизилиги комитетининг раиси этиб тайинланади. Уша йилнинг июнида у КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат қилиб сийланди.

1982 йил майида Ю. В. Андропов КПСС Марказий Комитетининг секретари қилиб сийланди.

1973 йил апрелидан бошлаб Ю. В. Андропов — КПСС Марказий Комитети сиёсий бюросининг аъзоси.

Юрий Владимирович Андропов — бир қанча ҷаҳириқ СССР Олий Советининг депутати.

Ю. В. Андропов партиянинг иродаси билан қаерда ишламасин, ҳамма лавозимларда унинг Ленин, партия улуғ ишига садоқати намоён бўлди. У ўзининг бутун кучи, билими ва тажрибасини партия қарорларини амалга оширишга, коммунистик ғояларнинг тантанаси учун курашга сарфлаб келмоқда.

1974 йилда Коммунистик партия билан Совет давлатининг таниқли арбоби Ю. В. Андроповнинг Ватан олдиғаги катта хизматлари учун унга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони увони берилди. У тўртта Ленин ордени, Октябрь Революцияси, Кизил Байроқ ордени, учта Меҳнат Кизил Байроқ ордени ва медаллар билан мукофотланган.

ПАРТИЯ ВА ХАЛҚ БИЛАН ДОИМО БИРГА

Бугун республикамизнинг ижтимоий-сийёсий ҳамда маданий ҳайтида катта ва қувончли воқеа... Кўпмиллатти совет адабиётини ривожлантириш ҳамда меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашда фаол қатнашгани учун «Звезда Востока» журнали Ҳаликлар дўстиги ордени билан тақдирланди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва республика Министрлар Совети номидан редакциянинг аҳоли коллективи ҳамда журналинг муаллифларни активисти юксас муюфот билан қизғини, чин юракдан табрикалашга ижозат этгасиз.

Адабий-бадний, ижтимоий-сийёсий журнал бўлган «Звезда Востока»нинг ярим асрлик юбилейи Совет Социалистик Республикалар Иттилоғи тузилганинг 60 йиллиги — ҳаликларимиз ўртасидаги дўстлик ва қардошлигини шонли байрамига таҳёртарлик кўрилаётган бир пайтда ўтайдигани терандамзий мазмунга эгадир.

Яна шунки аноними, бу юбилей ўзбекистонда ССР 60 йиллигига бағишланган кўпмиллатти совет адабиётининг Бутунитифоқ фестивалини кунларида ўтмоқда. Бу фестиваль ҳаликларимиз ўртасидаги қардош дўстлик, бузилмас бирордларик, метин-дай мустаҳкам бирлосимизнинг зўр, ҳаяжонли наимойшша айланади.

Бугунги тантаналаримизда қардош ҳаликлар маданиятларининг вакиллари — Москва, Ленинград, иттилоғодаш республикалар шоирлари, поетлари,

Бугун дунё пролетарлари, бирлашманд!



Ўзбекистон Компартияси
Марказий Комитетининг
ойлик ижтимоий-сийёсий,
адабий-бадний журнали

№ 12 (394)

Декабрь

1982

Журнал 1925 йилдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Компартияси
Марказий Комитетининг нашриётин

драматурглари иштирок эттаганилларни дўстилигимизнинг яна бир ёрқин даполатидир. Азиз меҳмонлар, сизга чин юракдан яна бир карра ўзимизнинг қаинак миннатдорчиликимизни ва ташаккуримизни билдирамиз.

Кўпмиллатти совет адабиётини ривожлантириш соҳаларида биз нималарга эршиган бўлсан, ҳамма Ленин партиясининг ҳаликларимиз маънавий маданиятларин ўстириш ҳақидаги оталарча доимий ғамхўрлиги ҳамда ётиборининг натижасидир.

«Звезда Востока» журнали ўзининг түгмилини тарихи, бутун ижодий ҳайти билан ленинича партияниң олдида бехад бурклидир. Журнал бундан эллил йил муқаддам — 1932 йил сентябрда ташкил этилган эди. У ВКП(б) Марказий Комитетининг «Адабий-бадний ташкилотларни қўйта тузиш ҳақида» деб чиқарган қарорига биноан дунёга келди. Журнални шундан кейнагина эллил йилни қамраб олган ҳаётни, унинг ишидаги асосий йўналишлар партияи адабиётимиз олдига кўйган вазифалар билан белгиланди. Бу вазифалар — янги ҳаёт курища фаол иштирок этиш, ленинича партия гозларини тарғиб қилиш, омманин совет ватанпарварлариги ва социалистик интернационализм, ҳаликлар дўстлиги ва қародушлиги руҳида тарбиялашдан иборат.

Журналнинг ишондайдек «кatta санъат учун кураш» бош мақсад қилиб кўйилди. Мана шу катта санъат ҳалиқни яшаш ва меҳнат қилиш, янги жамиятини қўришга ўргатишни керак эди. Мана шу катта санъат ҳалиқни улугвон иши, социализм қуриш йўлдигидаги ташвишлари, курашларни ҳамнафас руҳида, ижтимоий фаоллик ва масъуллик руҳида вояж етказнишни керак эди. Журнал ўзининг ярим асрлик шарафли йўлида доимо мана шу вазифаларга содик бўлиб келди. Ўз ижодий ишлариду шу программанни амалга оширади.

«Звезда Востока»нинг босиб ўтган йўли — партияниш ва ҳаликларимизнинг инқиlobий ўзғаршилар, социализм ва коммунизм қўриш, марксизм-ленин主义 нурафшон идеаларининг тантанаси учун олиб борилган курашларнинг бадими тарихи — солномасидир. Журнални эллил йиллик саҳифаларини варақлашадига, кўз ўнгимизда республикамизнинг жонли тарихи намоён бўлади. Яна кўз ўнгимиздан мана шу ажойиб тарихни яратган қаҳрамони қишинадарнинг тўлақонли яхши оғизларини тинмасдан ўтиб туради. Бу ётиросли, чинакам партияний публицистик сўз билан яратилган тарих — социализм соҳасида эришилган ютуқларнинг жуда кенг миқёсдаги манзараларидир.

«Звезда Востока» эълон қилган мамлакатимиз ва республикамиз адабларининг энг яхши асарларида шонили беш йилларнинг унтилисларни воқеалари, социалистик саноат, колективлаштириш, маданий инқиlob учун олиб борилган курашлар акс этирилгандир. Совет ҳалиқининг қаттол фашизмага қарши олиб борган қаҳрамонона кураши — жанг майдонларда кўрсатилган мислисиз жасорат, фронт ичкарисида фидокорона мөхнат, урушдан кейнинг йиллардаги қайта қуриш, тикланиши манзаралари журналда ўзининг борчдан улуғвоворлиги ҳамда драматизми билан гавдалантирилди.

Шуни тўла асос билан айтиш мумкин, партияниш ва ҳаликлариниң тарихида бирон улугвон воқеа йўки, у санъаткорларимизнинг ҳаяжонли сатраларида ўз ишқомбахи ифодасини томаган бўлсиз. Адабиёт ва ҳаётдаги барча энг яхши, талантли, чинакам партияниш ҳамда ҳалиқиниң ҳодисаларини «Звезда Востока» саҳифаларидан ўз мусоисиб ўрни олгандир.

Журнал ўз фаолиятининг бошиданоқ республика ўкувчиларини рус совет, классик адабиёти, илгор ва тараккӣларвир чет эл ёзувчиларининг асарлари

билин кенг суратда танишириб келмоқда. Бу унинг бебаҳо хизматлариданди.

Журналнинг фаол ташаббуси билан унинг саҳифаларида рус тилида биринчи марта ўзбек совет адабиётининг Ҳамза, Садриддин Айнӣ, Абдулла Қодирӣ, Ойбек, Гафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Ўйғун, Мақсуд Шайхзода, Зулфия, Яшим, Гайратий, Назир Сафаров сингари улкан наимояндаларининг асарлари ўзлон қилинди ва умумитифоқ китобхонлари ўтасида шуҳрат қозонди. Уларнинг асарлари ўгуниги кунда кўпмиллатти совет адабиёти, умумхалиқ социалистик маданиятинг оптин хазинасидан мустаҳкам ўрни олган.

Журнал ўз ўкувчиларини Сарвар Азимов, Раҳмат Файзий, Мирмуҳсин, Аскад Мухтор, Иброҳим Рахим, Рамз Бобоҷон, Саид Аҳмад, Одил Еқубов, Шукрулло, Пиримкул Қодиров, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Гулчеҳра Жӯраева, Ҳалима Худойберднева, Гулчехра Нурулаева, ётибор Охунова, Иброним Юсупов, Жўлмира Оймирзаз, Тўлепберган Қаніберганов ва бошقا қатор ёрқин санъаткорларининг асарлари билан танишириди. Улар ва бошقا кўп совет адаблари ўзбек совет адабиёти асосчиларининг ўлmas анъаналарини давом эттирофларидар.

«Звезда Востока» Совет Шарқи миллий ёзувчиликарининг минбари бўлиши билан бирга уларнинг кўпларини мураббиятни қилди, гозвий-ижодий йўл кўрсатди, маҳорат мантиби бўлди. У ижодий тақдирлари республикамиз билан чамбарчаси бўлганиниб кетган рус совет ёзувчилари ҳаётда музҳим роли ўйнаб келмоқда. Сергей Бородин ва Михаил Швердин, Александр Удалов ва Андрей Иванов, Владимир Липко ва Борис Пармузин мана шундай адабларни ўзмасида саналади.

Журналда турли йилларда Борис Лавренов ва Константин Симонов, Анна Ахматова ва Якуб Колас, Леонид Соловьев ва Юрий Арбат, Александр Дейв ва Корнилов Зелинский каби санъаткор адаблар ҳамкорлик қилдилар. Унинг саҳифаларида Алексей Толстой, Владимир Луговской, Всеволод Иванов, Корней Чуковский, Семен Кирсанов, Николай Терещенко, Николай Вирта, Николай Ушаков каби кўпмиллатти совет адабиётимизнинг моҳир устаслари ўз асарларини ўзувчиларга тақдим этдилар.

Бизнинг кунларимизда бу олижаноб анъаналар давом этмоқда ҳамда мустаҳкамламоқда. Журналнинг ижодий ишларидан Москва ва Ленинград, барча қардош республикаларининг қаламашларни фаол қаташмалоқдалар. Буларнинг барси журналининг интернационализм, ленинича ҳаликлар дўстлигига нечоғлик садоқат билан узмаси қилаётганинни яна бир карта ёрқин наимойши этди.

Африқи ҳамда Осқе мамлакатларидан тараққий-парвар адабий ҳаракатчиларининг майдонда келши муносабати билан журналининг интернационал дўстлик доираси янада кенгайди. Тошкент шу улугвор ҳаракатининг марказига йўланди. Шунинг учун ҳам ўтқоз Л. И. Брежневин Тошкентни ССР ҳаликлари ўтасидаги дўстлик ва қардошлигининг чинакам рамзи, Шарқнинг гўзл юлдузи деб атади. Журнал павлаҳсига шу сўзларининг чинакам ҳам асло беҳиз эмас. Зотан, у қардош республикалар шонили нашрларни туркумлари ичра ўзига мусоисиб фахрли ўрни эгаллаганди.

Ўқсан ғоявийлик, тематиканинг актуаллиги, ҳаёт ҳамда коммунистик қурилчилик тажрибларидан чамбарчаси алоқалар — буларнинг барси журналининг шуҳрат қозонишига, кенг китобхонлар ўтасида ҳурмат-эътибор толишида музҳим роли ўйнади. Бугун унинг тиражи 140 минг нусхадан ошиб кетди. Унид белопи мамлакатимизнинг барча ерларидар, Москва ва Ленинградда, Мурманск ва Калининградда, Киев ва Минскда, Куриль ва Каймирда мутолаа қиладилар.

Журнал саҳифаларида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, ССР Ҷумҳуриятининг Ҳавзаюниниң Ҳамза, Садриддин Айнӣ, Абдулла Қодирӣ, Ойбек, Гафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Ўйғун, Мақсуд Шайхзода, Зулфия, Яшим, Гайратий, Назир Сафаров сингари улкан наимояндаларининг асарлари

«Кичине», «Тіккелеш», «Күриш», «Эсадалилар» китобларининг босилиши журнал дәттеди тарихий босқич бўлди. Ватанга, совет халқимизга, оташни меҳр-муҳаббат, юксак партияйишилик ҳамда гравданик руҳи билан сурғилган инсоният тараққиётини ҳамда тинчлик иши учун хизмат қиласидиган бу асарлар ижтимоий ҳәттда улкан қизиқини ўйтганди. Улар эълон қилинган журнал сонлари минг-минглаб китобхонлар учун ҳәтт юйларидаги дастурламалада бўлмоқда. Леонид Ильич Брежневнинг китобларни ҳар бир санъаткор учун ишрат ҳамда наумандир. Ҳозир ҳам, келаражада ҳам шундай булажак.

Эллини йилининг чўқисидан «Звезда Востока» босқич ўтган ўйларидаги ҳам шундай булажак. Шу чўқисдан қаранганди, келаражада ҳам, янги масъуллиятли вазифалар ҳам янада равшан кўзга ташлашади. Улар бигта партияйишин тарихий XXVI съездидан томонидан аниқ-равшан белгилаб берилган. «Партия — деб айтган эди Леонид Ильич Брежнев, — энг яхши асарларга хос бўлган гравданик павфосини, камчиликларга нисбатан муросасизлини, санъат жамиятимизни ҳәтига онд проблемаларни ҳам этишига фаол аралаштанини табриклидай... Одамларнинг ишлаб чиқаришда ва турмушдаги муносабатлари, шахснинг мураккаб ишни дунёси, унинг нотич планетамиздаги ўрни, уларнинг ҳаммаси бадий изланышлар учун имконият беҳисоб соҳадиди».

Бу сўзлар адабиётимиз ва санъатмизнинг бутун фаолияти учун дастурламалидир. Зотан, Владимир Ильич айтган замонга тарихини ёзни вазифаси барча давлар учун долзарлаб бўлбай қолвареди. Бинобарик, бу партияйиз, халқимиз олмай бораётган амалий ишларга чинакам ёрдам бўлади.

Партия ва ҳалқ бугунги кундан ҳам катта миёсдаги янги вазифаларни ҳал этиши устидаги ишләтган бир пайтада бу айнича мұхим. Ўтрок Л. И. Брежневнинг Узбекистон Совет Социалистик Республикасига учинчи Ленин орденини топшриши тантаналаридан, республика раҳбарлари билан сұхбатда бу вазифаларни равшан белгилаб берганди.

Мехнаткашларни мана шу кенг миёсдаги вазифаларни ҳал этишига сафарбар этмоқлик ҳар бир қоламкашнинг мәднити, ижодий ғаиратини энг мұхим масалаларга қараштоқлиқ, ўн биринчى беш йиллик планларини бажариш учун кураш жабдаги тартибларига тортмалкик журнал ва жумладан бутун матбуотимизнинг аспа бурчидир. Ҳозирда ишнинг самарадорлиги ва сифати, илмий-техника тараққиётини учун тинимиз сиз кураш бормокда. Бу курашда журнал ўз мұносиб ўрнига эга бўлади.

КПСС Марказий Комитетининг Май (1982) пленумы совет халқи олдига янги истиқбол режаларни кўйди. Унда узоққа мўлжалланган ССР Озиқ-овқат программаси қабул қилинди. Партия ва давлатимизнинг ушбу чуқур илмий асосларнан ҳужжати ўз ха-

рактери ҳамда миёсигига кўра бутун ҳалқ ҳўжалигимиз, жамият ижтимоий ҳәттимизнинг барча мұхим соҳаларida тараққиётини таъминлаб беради.

Адабий жабданинг барча ҳодимлари КПСС Марказий Комитетининг Май пленумидаги ўтрок Л. И. Брежнев доклади илгари суръиган вазифаларни тушунишириш ва тартиб қилишига ўзларини сафарбарларни туштилган деб билмоқларни лозим. Улар Озиқ-овқат программасини амалга оширишини ўйларни ҳамда барча воситаларни ўтқир, тасвирчан, эҳтиоси публицистик чиқишиларда ёртмоқларни, илгор колективларнинг тажрибалиарини оммалаштиримоқлаш, кўрсатилган режаларни бажариш ўйлуда умумхалик курашларнинг манзараларини акс эттироқмоқларни.

Ёзувчилар, адабий-бадий журналлар, колхозчилар ва агрономлар, ишчилар ва инженерлар, қишлоқ ҳўжалигини янада ривоҷлантириши учун умумхалик курашнинг барча иштирокчилари кўрсатётган меҳнат қаҳрамонликларини ёрқин, ишонарли образларда гавдадлантириб берснинлар. Қишлоқ ҳўжалиги меҳнаткашларнинг турмуш, дунёкараши, психологияси, маданият ҳәтига, ижтимоий қиёфасида ройбераётган ўзгаришларни ҳақоний чизиб бериш айниқса мұхим ахамиятга эга.

Шу маънода ёзувчилар союзи олдига катта вазифалар турбади. У сўй санъаткорлари ва ўз матбуот органларини бутун иши, фаолиятини шуга қараштади, «Звезда Востока» журналини ҳам ўз ижодий фаолиятни янада кучайтиради, деб умид қиласиди.

Бундай кенинг йўналшидаги вазифаларни ҳал қишилик учун ҳар бир қаламкаш, адабиётчи ҳәттимизнинг кайнаган бағрида бўлиши, жўшкун воқеалар ичидаги яшаши, бунёдкорлик шишлардан тубдан оғоҳ бўлиши керак, КПСС Марказий Комитетининг янада чиқарган «Адабий-бадий журналларнинг коммунистик қурилиш тажрибаси билан ижодий алоқалари тўғрисидаги» деб атлаган қарори олдимизга катта мақсадлар кўйнандир. Бу қарор ёзувчилар союзининг, барча адабий-бадий журналларнинг жангошар программаси бўлиб қолади. Унда ижтимоий-иқтиносидаги вазифаларни ҳал этишига журналларнинг роли алоҳида тақиқидлаб кўрсатилган.

Партиямизнинг бу янги тарихий ҳужжати журналларда ёртниладиган материалларнинг сифатига, тасвирчилигига эътибор беради. Мана шулав редакция ҳайъатлари, ижодий колективларни, бошлангич партя ташкилотлари, муаллифлар активи олдига зўр масъулнинг юклайди. Еритниладиган асарларнинг гөвлай-бадий сифатига жиддиян эътибор бериш, маҳорат масалаларини кун тартибига кўйиш, ҳалқ олдига юксак бадий асарлар билан чиқиш — журналларимизнинг асосий иш фаолиятлари мана шуладан иборат.

«Звезда Востока» доимо ёш қоламкашлар учун бадий маҳорат мактаби бўлбай келган. Ёш иқтидорларидаги адабиётчилар билан ишланиши яхши ўйлага кўйиш позим. Уларнинг маънавий, ижодий шаклланишлари, гозий чиникишлари учун ҳамма шаронтариш яратмоқ жома. Ёш ўринбосарларни эҳтиёткорлик ва талабчанини билан тарбиялаб, уларни айниқса, бадий публицистика соҳасига кўпроқ жабж қилиш айни муддаодир.

Журналларнинг саҳифаларини аввало актуал йўналшидаги, совет кишиягига мұносиб ҳәттий мақсадларини тасдиқловли, камчиликларини фош этиб, иштепчиллик психологиясини очиб ташлайдиган асарларга бермоқ ўрнини бўлади.

Шулар билан бир қаторда адабий-бадий танқиддин жанговарларигин кучайтириш, унинг марксистик методологига билан қуролланшишини таъминлаш зарурлигини асло ёдимиздан қичармайли. Социалистик турмуш, совет турмуш тарзининг афзаплакларини бадий терапили билан ёритиш, буржуазия ташвиқотини ёлғон сафасаталарини айвасини фош қилиш, партиямизнинг тинчликесевар ташкин сёсатини фаол тартиб этиш — доимо мұхим бўлиб келган. Ҳалқаро шаронтада аҳвол кесининган ҳозирги вазиятада бу янада мұхим, долзарб ахамият касб этади.

Бундан роса ярим аср муқаддам совет журналлари сафада янги юлдуз балкиди. Мана шу йилларни мида у ҳаётимизга ленинчика ҳақиқат нурларини, ижтимоий адолат ва милий тенгҳуқулиларини, инсон-парварлик ва ҳаётбахшилик, бирлик, қардошлик, дўстлик нурларини сочиб келмоқда. «Звезда Востока» доимо ҳалқ билан бирга бўлиб, унинг ташвиш-куонвларини акс этиди, партия белгилаб берганди оламшуму вазифаларни бажаришига бел болганди, курашнинг олдинги сафларида борди.

Ўзбекистон Компартисян Марказий Комитети, республика ҳукумати «Звезда Востока» журналини ҳаётати, ижодий колективи, муаллифларни Ватанинг юксак мұкофоти билан кўтказди. Сизларга фахрли ва масъулнинг ижодий ишларингизда янгидан-янги ютуқлар тилайди. Биз шуга қатъий ишонамизи, сиз тинчлик ва дўстлик шаҳри — Тошкентнинг 2000 йилларини мұносиб ижодий ишлар билан кутуб оласиз. Биз шуга қатъий ишонамизи, сиз Ўзбекистон ССРнинг ва Ўзбекистон Компартисяннинг 60 йилларини улуғвор ижодий мұваффақиятлар билан кутуб оласиз. Бугун «Звезда Востока» журналига берилган олий мұкофот ҳам шуга чорлади.

Сизга мустақам соғлиқ, аъло ижодий қайфият, қуонъон, тинимиз сизларни ва қашғфётлар, севикли Ватанининг гуллаб-күншашна ўйлуда, коммунизмнинг мунаварр идеалларни ўйлуда улкан ижодий зафарлар тилайдиз.



МАНСУРОБОД

Қишлоқка киравериша, шундоккина дарё бўйида шинам бир бор. Эз, куз ойларидаги ҳосилдор шохлари ергача аълиги ўтган мева-зорни кўриб яйраб кетасиз. Бир донасига одам тўйгудек қип-қизил «от ёғига шафтодидан тортиб тишинг тагида эриб кетадиган он шафтолига пишиб ётди. Дарё соҳилида эса ўрнизор шовулайди. Даражатларнинг оралими кўм-кўм майсаозор. Бор шунчалар гўзлаб, драбобик, бир кирған киши яна кирсан, дейди.

Сўзлуклар ва Богони Мансуробод деб атасади. Келинг, сизни шу ажаб бор билан бирмаб-бир териб олинди. Катта кийинчилик билан у ерга сув чиқарилди. Низоат 1966 йилнинг куизида беш гектар майдон тайёрланиб, 7 минг тоннага ташкил топган «Янги бор» колхозини тузишда фаол қиётанашди.

Бобомансур ота асли Сўхнинг Равон қишлоғидан. Суғли мешнадатотаган бободеҳонлардан. Болалик пайтларидан ана шу Сўх ерларидан отасига қўмаклашиб, кўш ҳайдаб, дехончиллик сирларини ўрганган. Уттизинчи йилларда у коммосониға сафига кириб. Сўхда биринчи ташкил топган «Янги бор» колхозини тузишда фаол қиётанашди.

1939 йили Бобомансур Мирзаев армия сафига чақирилди. Улуғ Ватан уруши бошланганда у Қавказда хизмат қиласиди. Мирзаев машхур 18-армия жангилари сафига Ново-российск шаҳри химоясидаги қиётанашди. У жангларнинг Бирда оғир яраланди... Кўлтиқтаёт билан қишлоқга қайтган Бобомансур яна колхозда ишлай бошлади, мөхнатда

фаоллик кўрсатди, партия сафига кирди. Фарзандлари кетма-кет бўй чўзб, вояж етдилар.

Бобомансур Мирзаев ҳарбий госпиталларда узоқ ётган кезлариди: «согайб қишлоғига қайтсан, бир бор бунёд қиласиди», деган эзгу ниятини дилга тубиб қўйган эди. У шу ниятини амалга оширишга киришиди. Оила азолари билан дарё бўйидаги» бўш ётган тошлоқ ерни ўзлаштири бошлади. Үғилари Мухаммаджон, Хабибжон, Алижон, қизлари Назоат, Латофат, Олиялар унга қувват бўлди. «Сўх» совхози мъёмирияни ҳам отанинг ташаббуси кўллаб-куватлариди: «Сўх» бобонлари иктиёрига техника ажратиб берилди. Ер олдин текисланди, кейин тошлари бирмаб-бир териб олинди. Катта кийинчилик билан у ерга сув чиқарилди. Низоат 1966 йилнинг куизида беш гектар майдон тайёрланиб, 7 минг тоннага ташкил топган «Янги бор» колхозини тузишда фаол қиётанашди.

— Бу йил Богони Мирзаев 1939 йилнинг боғи шигид мева кирди. Бугун унинг боғидаги ўнбон тоннага мева давлатга топширилини. Бодомчиллик ва сабзавотчилик хўжалиги бўлган «Сўх» совхозининг планларини бажаришга берилган олий мұкофот ҳам шуга чорлади.

— Бу йил Богони Мирзаев 1939 йилнинг боғи шигид мева кирди. Бугун унинг боғидаги ўнбон тоннага мева давлатга топширилини. Бодомчиллик ва сабзавотчилик хўжалиги бўлган «Сўх» совхозининг планларини бажаришга берилган олий мұкофот ҳам шуга чорлади.

Мутор ХУДОЙҚУЛОВ

ОФАРИН, БЎКА!

БЕШ ЙИПЛИК
РЕЖАЛАРИ АМАЛДА

— Пахта халқимизнинг фахри, турори. Хирмонхирмон бўлиб ўйилган пахтамизнинг ҳар мисқолига дехқонларимизнинг қанчадан-қанча қалб кўри, кўз нури, пешона тери сарфланган. Дехқон чигит ерга қадалгандан ҳосилни нес-нобуд қилмай йигиб-тери олунгга қадар кечаки кундуз на ором, на тиним билди, кутимагандаги об-ҳаво инжизликларига, табиатнинг хотантин қилиқларига дуч келади. Барча машаққатларга буюк ирода кучи, битмас-туганимас гайрат-шижотини қарши қўйиб зағар кучаркан, унинг меҳнати самаралари — ана шу тог-тог «ок олтин» хирмонлари. Ватан шон-шавкатини мустаҳкамлаш ва оширишга хизмат эттанидан кўсиси завқу шавқга тўлиб тошади. Пахта халқимиз фаронвонлигини таъминлаётган меҳнат натижасидир.

